БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 248 (4707).

19 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

ОЛИЙ МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида КПСС XXIV съезди томонидан белгиланган вазифаларни бажаришдаги катта хизматлари учун СССР орденлари билан тақдирланган бир қанча ўлка ва область партия ҳамда совет органлари раҳбарларининг катта бир группасига 17 декабрда Кремлда мукофотлар топширилди.

Қозоғистон Коммунистик партияси Кустанай область комитетининг биринчи секретари А. М. Бородин, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари А. В. Георгиев, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари Ф. С. Горячев, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинова Ленин ордени билан бирга «Ўроқ ва Болға» олтин медали ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ёрлиғи топширилди.

Ўртоқларнинг катта бир группасига Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний мукофотларни тақдим этиб ўртоқларни юксак мукофот билан, совет халқининг улуғ байрами — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги билан қизғин ва самимий қутлади, меҳнатда ва шахсий ҳаётда уларга янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларининг самараларига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига чин юракдан миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни бағишлаймиз, деб ваъда бердилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1972 йил 18 декабрда КПСС Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. БАЙБАКОВнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат плани тўғрисида»ги ва СССР Молия Министри ўртоқ В. Ф. ГАРБУЗОВнинг «СССРнинг 1973 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги докладларини тинглаб, муҳокама қилди.

Шу докладлар юзасидан бўлган музокараларда Узбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Б. АШИМОВ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. С. ЗОЛОТУХИН, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, СССР Қора металлургия министри И. П. КАЗАНЦЕВ, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. РАСУЛОВ, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. АЛЕКСЕЕВСКИЙ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум якунида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ катта нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми шу масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ўртоқ В. И. ДОЛГИХни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ В. П. МЖАВАНАДЗЕ пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидатлик вазифасидан озод қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1973 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА СССРНИНГ 1973 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат плани ва СССРнинг 1973 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин ва СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилсин.

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Кўп миллатли улуғ давлатимиз ўз тарихидаги шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини кутиб олмоқда. Ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқи КПСС XXIV съезди қарорларини, тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. Шу кунларда мамлакатда ўтказилаётган меҳнаткашларнинг тантанали йиғилишларида жонажон партияга меҳр-муҳаббат сўзлари СССР халқларининг ҳамма тилларида яграмоқда, совет кишилари ўзларининг бутун кучлари ва ғайратларини коммунизм қуриш улуғ ишига сарфлашга азми-қарор берганликларини изҳор этмоқдалар.

Умумхалқ байрами — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида СССР Олий Советининг депутатлари қилинган ишларга юксак минбарга чиқиб батафсил, амалий якун ясаш, беш йилликнинг навбатдаги, учинчи йили планларини белгилаб олиш учун Ватанимиз пойтахтига тўпландилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

18 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат плани ва СССРнинг 1973 йилги давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади ҳамда СССР Министрлар Советига бу лойиҳаларни СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этишни топширди.

18 декабрь куни Москвада саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессияси иш бошлади. Кечқурун соат 6 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлари депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Иккала палатанинг қўшма мажлисини Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** очди.

Қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат плани тўғрисида.

2. СССРнинг 1973 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1971 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

Кун тартибининг биринчи моддаси юзасидан СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси **Н. К. Байбаков** доклад қилди.

«СССРнинг 1973 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1971 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида» СССР Молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** доклад қилди.

19 декабрда сессия ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаб, социалистик миллатлар ва элатлар дўстлигини ва қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта ҳизматлар учун, ССР Иттифоқини ва иттифоқдош республикаларни иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ривожлантиришга қўшган улкан ҳисса учун мукофотлаш мақсадида **Халқлар дўстлиги** ордени таъсис этилсин.

2. Халқлар дўстлиги орденининг статути тасдиқлансин.

3. Халқлар дўстлиги орденининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1972 йил, 17 декабрь.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИНИНГ СТАТУТИ

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаб, социалистик миллатлар ва элатлар дўстлигини ва қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлар учун, ССР Иттифоқини ва иттифоқдош республикаларни иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ривожлантиришга қўшган улкан ҳисса учун мукофотлаш мақсадида Халқлар дўстлиги ордени таъсис этилди.

2. Халқлар дўстлиги ордени билан:

СССР гражданлари;

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар ва қўшилмалар, иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар, автоном областлар, миллий округлар, шаҳарлар мукофотланади.

СССР гражданлари бўлмаган кишилар ҳам Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланишлари мумкин.

3. Халқлар дўстлиги ордени билан:

Социалистик миллатлар ва элатлар дўстлигини ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳисса учун;

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги катта меҳнат муваффақиятлари учун;

СССРнинг миллий-давлат қурилишидаги хизматлари учун;

Фанни ривожлантиришдаги, социалистик миллатлар ва элатлар маданиятларини бир-бирига яқинлаштириш ва ўзаро бойитишдаги алоҳида самарали фаолият учун, совет кишиларини, пролетар интернационализми, совет Ватанига садоқат ва содиқлик руҳида тарбиялашда актив қатнашганлик учун.

СССРнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлар учун;

Социалистик мамлакатларнинг халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашдаги катта хизматлар учун мукофотланади.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИНИНГ ТАСВИРИ

Халқлар дўстлиги ордени қумушдан ясалади ва қирралари кумуш тус пирамида шаклида бўлган ва беш тутам таралган зарҳал нур билан ўралган, тўқ-қизил эмаль билан қопланган, салгина қабариқ беш бурчак зарҳал юлдуздан иборат бўлади.

Юлдузнинг ўртасига СССРнинг зарҳал давлат герби ёпиштирилган, унинг айрим деталлари ранг-ли эмаль билан қопланган. Гербнинг атрофи кўришиб турган қўлларнинг тасвири билан гардишсимон қилиб ўралган, гардишнинг остки қисмида устига «СССР» деб ёзилган, тўқ-қизил эмаль билан қопланган зарҳал лента ёпиштирилган.

СССР Давлат герби билан гардиш ўртасида оқ эмаль устига уст томонда «Дружба народов» («Халқлар дўстлиги») деган ёзув бор, қуйи ва ўрта қисмларида яшил эмаль билан қопланган лавр шохлари бор.

Орденнинг бўйи 47 мм бўлиб — бу пирамида шаклида ўралган қирраларининг ва зарҳал нур тутамларининг у учидан бу учигача бўлган ораликдан иборат.

Орден илгак ва ҳалқача ёрдамида эни 24 мм. ли ипак муар лента қопланган беш бурчакли колодкага туташтирилган. Лентанинг ўртасидан эни 13 мм. ли, икки чети энсиз сариқ чизиқли қизил йўл ўтган. Қизил йўлнинг чапида эни 4 мм. кўк чизиқ, ўнгида эса эни 4 ммли яшил чизиқ бор. Лентанинг четлари эни 1,5 мм. ли оқ хошиялар билан ўралган.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

17 декабрда Кремлда Н. В. Подгорний раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг 18 декабрда очиладиган бешинчи сессияси муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан таклифларни қараб чиқди. Сессиянинг иш тартиби тўғрисида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети раислари А. П. Шитиков билан Ё. С. Насриддиновнинг таклифлари ва палаталар Оқсоқоллар кенгашлари мажлисига доир масалалар ҳам қараб чиқилди.

Президиум СССР ҳукумати СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат плани ва давлат бюджети. 1971 йилги бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларида дастлабки тарзда қараб чиқилганлиги тўғрисида палаталар план-бюджет комиссияларининг раислари К. М. Герасимов билан П. А. Розенконинг ахборотини тинглади.

Президиум тақдим этилган материалларни қараб чиқиб, план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ёпилар масаласи билан шуғулланувчи комиссия ва табиатни қўриқлаш комиссияси иштирокида халқ хўжалик плани ва бюджетини дастлабки тарзда қараб чиқишни ўз вақтида тамомлаганликларини ва СССР Олий Совети Иттифоқи Советига ҳамда Миллатлар Советига тақдим этиш учун шу тўғридаги хулосаларни тайёрлаганларининг уқтириб ўтди.

Мажлисда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганлигининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан СССРнинг янги орденини таъсис этиш тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

СССР Олий Совети Президиуми бу масалани муҳокама қилиб чиққандан кейин Халқлар дўстлиги ордени таъсис этиш тўғрисидаги фармонни қабул қилди. Социалистик миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлар учун, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларни иқтисодий, социал-сиёсий, маданий ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлик учун меҳнаткашлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ҳарбий қисмлар, шунингдек, республикалар, область ва шаҳарлар бу орден билан мукофотланади. Президиумнинг фармони, Халқлар дўстлиги орденининг статути ва тасвири бугунги газеталарда эълон қилинади.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко ва КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев 16 декабрда Париждан ватанига жўнаб бораётган Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Вьетнам масаласи юзасидан Париж кенгашида ВДР делегациясининг махсус малаҳатчиси Ле Дик Тхонг қабул қилдилар.

Қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида АҚШнинг даром этаётган агрессиясига қарши, Вьетнамда озодлик, мустақиллик ва тинчлик учун Вьетнам халқининг олиб бораётган курашига доир масалалар муҳокама қилинди.

Совет томони Вьетнам халқининг ўз миллий ҳуқуқлари йўлидаги курашини, Париждаги музокараларда Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг кўрсатаётган яхши ниятини ва конструктив ёндошувини ҳамма-ша қатъият билан қўллаб-қувватлайди, деб билдирди. Вьетнамдаги можарони тинч бартараф этишга қарши чиқаётган кучларнинг Вьетнамда тинчлик ўрнатиш йўлида эришилган натижаларни йўққа чиқаришга йўл қўйилмайди, деб ишонч билдирди. Октябрь ойида ВДР билан АҚШ вақиллари ўртасида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланиши, Хинди-Хитойда империалистик агрессияга чек қўйилиши керак.

(ТАСС).

Владимир Иванович ДОЛГИХ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ

1924 йилда туғилган, миллати рус, 1942 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли — Иркутск кон-металлургия институтини тамомлаган. Техника фанлари кандидати.

1941—1943 йилларда Совет Армиясида хизмат қилган, Улуғ Ватан урушида қатнашган, институтни тамомлагандан кейин 1949 йилдан бошлаб Красноярск шаҳридаги заводларда смена, цех бошлиғи, бош инженер бўлиб ишлаган. 1958 йилдан бошлаб А. П. Завенягин номидаги Норильск кон-металлургия комбинатининг бош инженери ва 1962 йилдан бошлаб директори бўлиб ишлаган. 1969 йилда КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари қилиб сайланган.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, еттинчи ва саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Учта Ленин ордени, 1 даражали Ватан уруши ордени ва медаллар билан мукофотланган.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ МАКТАБИНИНГ МАШҒУЛОТИ

18 декабрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия активи мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

«КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси» деган мавзуда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитети область Совети депутатларига маълум қиладики, 1972 йил 28 декабрь эрта билан соат 11 да УзКП Тошкент область комитетининг Мажлислар залида (Узбекистон кўчаси, 9-уй) XIII чақириқ меҳнаткашлар депутатлари область Советининг VII сессияси чақирилади.

Меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети сессия кун тартибига қўйидаги масалаларни киритади:

1. 1973 йил Тошкент область халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида.

Докладчи — область план комиссиясининг раиси ўртоқ А. А. Валиев.

2. 1973 йил Тошкент область маҳаллий бюджети ва 1971 йил учун белгиланган маҳаллий бюджетнинг бажарилиши тўғрисида.

Докладчи: область молия бўлимининг мудири ўртоқ Я. К. Элчибеков.

Область Советининг план-бюджет бўйича доимий комиссиясининг раиси ўртоқ В. М. Муҳамедов қўшимча доклад қилади.

3. Меҳнаткашлар депутатлари область Совети жроия комитетининг 1972 йилги ишлари тўғрисида ҳисобот.

Докладчи — область ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. А. Асомов.

Депутатлар 1972 йил 28 декабрь эрта билан соат 9 дан бошлаб шу бинонинг ўзида рўйхатга олинадилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: Партия ҳужжатларини алмаштиришга доир

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларида таъкидланганидек, партия ҳужжатларининг алмаштирилиши кучларимизнинг ўзига хос кўриги, ҳар бир партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорларини қандай амалга ошираётганлигига зўр синов бўлади.

Район партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, бу муҳим ташкилий-сиёсий тадбирдан партия ички ҳаётини янада активлаштириб, партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш, ғоявий-тарбиявий ва ташкилий ишлар савиясини кўтаришда ҳар томонлама унумли фойдаланмоқдалар.

Маълумки, партиямиз ўз шахсий состави ҳисобини намунали йўлга қўйиш, партия кучларини мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштириш, партия сафларининг поклигини муҳофаза қилиш мақсадида ҳужжатларни алмаштиришга қарор қилди. Бу тадбир ҳозирги шароитда қўйилаётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади.

Районимиз партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини атрофлича муҳокама қилиб, ўзлари учун аниқ ҳаракат программасини белгилаб олдилар. Мавжуд 250 та бошланғич ташкилотнинг ҳаммасида Пленум якунларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишлар протоколларини синчковлик билан кўздан кечириб, район партия комитети қўшимча тадбирларни ишлаб чиқди.

Район партия комитети партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш давомида бошланғич партия ташкилотлари секретарларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўтган ойларда секретарларнинг икки марта семинари бўлиб ўтди. Бу семинарларнинг биринчисида шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари Т. Ф. Маришев, иккинчисида эса район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Акимова мазмунли докладлар қилдилар. Сўнг бошланғич партия ташкилотлари секретарлари партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик давомида бажараётган ўз ишлари билан ўртоқлашдилар.

Ноябрь ойининг ўрталарида партия ташкилоти секретарларининг яна бир йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишда партия ҳужжатларини алмаштириш муносабати билан белгиланган тадбирларнинг жойларда қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Қисқа вақт ичида район партия комитети бюроси бу масалани тўрт марта ўз мажлисида кўриб чиқди. Бюро мажлисларида партия ҳужжатларини алмаштириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг қандай бажараётганликлари ҳақида тўқимачилик комбинати, тўқимачилик машинасозлиги, пластмасса буюмлари, экспериментал механика заводлари, 2-вагон депоси партия ташкилотлари ҳисоб бердилар. Ташкилий-партиявий ишлар бўйича тузилган методик Совет аъзолари ҳам ўз навбатида 52 та партия ташкилотининг иш тажрибасини ўргандилар. Мана шундан кейин секретарлар йиғилишини ўтказишга қарор қилинди. Бу йиғилишда илғор тажрибалар умумлаштирилди, нуқсонлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга доир тадбирларни амалга оширишда методик Совет аъзолари район партия ташкилотларига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Улар ғайрати билан биз партия ҳужжатларини алмаштиришга бағишлаб икки марта илмий-амалий конференция ўтказдик. Бу конференцияларда «Партия қурилишининг ленинча принциплари ва бу принципларнинг КПСС XXIV съезди қарорларида иқтидорий ривожлантирилиши» ва «КПСС XXIV съезди коммунистик қурилишда партия ролининг ўсиб бориши тўғрисида» деган темалар юзасидан кенг фикрлашув бўлди. Конференция охирида методик Совет томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар секретарларга тақдим этилди. Ташкилий-партиявий ишлар кабинети конференция материаллари билан жиҳозланди.

Район партия комитети «Ягона партия билети тарихидан» лекциялар туркумини ҳам тузиб чиқди. Бу темада лекциялар ўқиш учун кекса партия ходимлари жалб этилди. Ҳозир қирқдан ортиқ кекса партия ходими бевосита завод ва фабрикаларда бўлиб, партия билети тарихини коммунистларга сўзлаб бермоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, корхона раҳбарларидан иборат иккинчи группа жамоатчи лекторлар «Коммунист — партиянинг сиёсий жангчиси», «Коммунист деган ном магрур жаранглайди», «Партия ҳаётида ленинча нормалар» мавзуларида лекция ўқидилар.

Бу тадбирлар бир томондан, партия ташкилотлари жанговарлигини оширса, иккинчи томондан, коммунистлар активлигини кучайтирмоқда. Пировардида юбилей йили топшириқларини муваффақиятли бажараётган ишчилар сафи тобора кенгаймоқда.

Район партия комитети партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарликни тинмай назорат қилиб турипти. Бу масала яқинда район партия комитети пленумида махсус муҳокама қилинди. Пленумда қабул қилинган қарорлар бу сиёсий кампанияни юксак савияда ўтказишга кўмаклашмоқда.

Коммунистлар активлигини оширишда суҳбатлар катта роль ўйнамоқда. Бошланғич ташкилотлар 3490 коммунист билан суҳбат ўтказиш лозим, деб топдилар. Бу коммунистлардан 562 киши райком секретарлари ва бюро аъзолари суҳбатида қатнашади. Ҳозиргача биз салкам 200 коммунист билан суҳбатлашиб олдик. Суҳбатлар давомида коммунистлар ишлаб чиқариш учун қимматли фикрларни ўртага ташламоқдалар.

Суҳбатлардан сўнг коммунистлардаги масъулият ҳисси ва активлик маълум даражада ўсмоқда. Бинокорлик материаллари комбинати ишчиларидан З. Фозилов, Г. Свистунов, Н. Умаров пассив коммунистлар қаторига қўшилган эди. Район партия комитетида улар билан самимий суҳбат ўтказилди. Коммунистлар олдида турган вазифалар ва уларнинг бурчи ҳақида суҳбатдошларга гапириб берилди. Шу суҳбатдан сўнг уларга партия топшириқлари берилди. Мана ҳозир З. Фозилов — сиёсий ахборотчи, Н. Умаров — агитатор, Г. Свистунов — халқ контроли группасининг аъзоси.

Ҳар бир суҳбат алоҳида журналга қайд этиб борилмоқда. Суҳбатлар давомида билдирилган қимматли фикрлар тезда амалга оширилмоқда. Лекин, ҳали амалга оширилиш лозим бўлган яна бир олам вазифалар турибди. Ҳужжатларни солиштириш ишига айрим ходимлар оддий бир техник тадбир деб қарамоқдалар. Партия жазоси олган коммунистлар сони камаймаяпти. Комсомоллардан партияга қабул қилиш иши бизда талаб даражасида эмас. Кейинги пайтда комсомоллардан партияга қабул қилинаётганлар сони бирмунча кўпайган бўлсада, сифат состави қаноатлантирмайди.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик даври муҳим сиёсий кампаниядир. Партия ташкилотлари ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишнинг кўзини билиб, ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарликнинг барча ташкилий-техникавий жиҳатларини намунали ва оператив ҳал этмоқлари лозим. Ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик жараёнида кўрилаётган тадбирларнинг ҳаммаси биз учун муҳимдир. Партия сафларининг кўриги партиямизни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлашга, партия кучларини КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун сафарбар этишга хизмат қилиши лозим.

Л. СИЛЬЧЕНКО,
Ўзбекистон КП Фрунзе район комитети ташкилий бўлими мудири.

ПАРТКОМДА СУҲБАТ

Шаҳар партия комитетининг инструктори Людмила Михайловна Румянцева кеча иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинатида бўлган эди. У ерда коммунистлар билан секретарлар ўтказаётган суҳбатни тинглади, суҳбатлашиш формалари билан танишди. Бугун эса шаҳар партия комитетидаги ишларни ялдам тугатиб, электрохимия комбинати томон йўл олиптти.

Людмила Михайловна шаҳардаги мана шу икки йирик корхонани ўз оталигича олган. Комбинатлар партия комитетларининг секретарлари уни доимо очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Бир дамлик салом-аликдан сўнг суҳбат мавзуи аста-секин ташкилий-партиявий ишларга кўчади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Людмила Михайловна олдин комбинат партия комитети мажлислари протоколини синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Мажлисларда муҳокама қилинаётган масалалар билан танишди. Сўнг партком секретарлари суҳбатига таклиф этилаётган коммунистлар билан қизиқди.

— Яқинда биз 20-цех аппаратчиси С. Молдабоевни партком га таклиф этдик, — деди партком аъзоси Анна Григорьевна Орехова. — У кейинги пайтларда ичкиликбозликка берилиб, жамоат ишларидан йироқлашиб, пассивлашиб қолган эди. Шундан кейин биз у билан суҳбатлашишни лозим топдик. Молдабоев билан партком секретарининг ўринбосари Туроб Абдуллаев суҳбатлашди. Суҳбат давомида Молдабоев ўз айбларига иқрор бўлди, бундан буён ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида актив иштирок этишга ваъда берди. Парткомдаги суҳбатдан сўнг у анча ўзгарди. Ҳозир кунлик графикдан ўзиб меҳнат қиляпти. Партия топшириқларини ҳам баҳолиқудрат бажаряпти.

— Биз суҳбатларга қолоқ коммунистлар билан бир қаторда илғор коммунистларни ҳам таклиф этяпмиз, — деди аммиак цехи партия ташкилотининг секретари Николай Петрович Бородин. — Суҳбатлар давомида илғорлар ўз тажрибаларидан сўзлаб беришяпти, ички резервлардан оқилона фойдаланиш йўл-йўриқларини ўргатишяпти, қимматли таклифларни ўртага ташлашяпти.

Цех партия ташкилоти ҳисобида коммунистларнинг 70 дан ортиғи доимий партия топшириғига эга. Коммунистлардан Расима Саубанова халқ контроли группасига, смена бошлиғи Батал Ўлбашев партия группасига раҳбарлик қилмоқдалар. Валентин Димовни эса ишчилар цех касаба союзлари комитетига раис этиб сайлашган. Бошқа коммунистлар ҳам ўз қобилиятлари ва имкониятларига яраша мана шундай жамоат топшириқлари олишган. Партбюро коммунистлар томонидан партия топшириқларининг қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда кузатиб боряпти. Актив коммунистлар сафини кенгайтириш устида алоҳида қайғуряпти.

— Куни-кеча мен смена бошлиғи вазифасини бажарувчи Сайдулла Қосимбоев билан суҳбатлашдим, — дейди Николай Петрович. — Уни биз кўп йиллардан бери танийиз. Ўзи ҳаракатчан йигит. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтининг кечки факультетини тамомлаяпти. Олдин партия группасига раҳбарлик ҳам қилган эди. Лекин, нима учундир кейинги пайтда бироз пассивроқ бўлиб қолди. Сиёсий ахборотчи сифатида ишчилар орасида суҳбатлар ўтказмай қўйди, социалистик мусобақага бефарқ қарай бошлади. Шундан кейин уни суҳбатга таклиф этдим. Суҳбат давомида смена бошлиғи зиммасига юкланадиган вазифаларни яна бир бор эслатиб ўтдим. Қўшни участкаларда меҳнат қилаётган илғор мастерлар иш тажрибасидан сўзлаб бердим. Ҳозир у коллективга нисбатан талабчанликни оширди, интизомсизларга қарши кескин курашяпти. Бошқа коммунистлар билан ҳам биз мана шундай бир-бир суҳбатлашиб оляпмиз. Бу тадбир партия аъзолари активлигини оширишга ёрдамлашмоқда.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик давомида комбинат коммунистлари активлиги ва иш фаолияти кўрикдан ўтказиляпти. Мавжуд 37 та цех партия ташкилотига бирлашган мингга яқин коммунистларнинг аксарияти комбинат ҳаётида актив иштирок этмоқда. Коммунистлар ғайрати билан ўтган ойларда планга қўшимча равишда минглаб тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилиб колхоз ва совхозларга жўнатилди.

Суҳбатлар давомида коммунистлар ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга нафи тегадиган қимматли таклифларни баён қилмоқдалар. Ўз фаолиятларидаги кучли ва кучсиз томонларни пайқаб олмоқдалар. Илғорлар ва активлар билан бирга қадам ташлашга бел боғламоқдалар. Аммо баъзи коммунистларнинг дўстлар танқидига ҳам, самимий маслаҳатларга ҳам қулоқ тутмай ўз билганларича ҳаёт кечираётганликлари кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Қолоқларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш учун барча воситалар ишга солинмоқда. Бирбўк бундан ҳам наф бўлмагач, коммунистлар ундай одамларни ўз сафларидан чиқаришга мажбур бўлмоқдалар.

Катализатор цехи старший аппаратчиси Александр Осипов мана шундайлардан бўлиб чиқди. Александр ўз ишини пухта биладиган мутахассислардан. Аммо ичкиликка ружу қилиб, ҳеч кимни танимай қолди. прогул қилди, жамоат тартибини бузади. Кейинги пайтларда у ишга ҳам бир неч бор ичиб келиб, зарар етказди. Цех раҳбарлари, партбюро аъзолари уни бир неча бор огоҳлантиришди. Коммунистлар йиғилишида Александрнинг қилмишлари алоҳида муҳокамадан ўтказилди. Унга олдин виговор, кейин қаттиқ виговор берилди. Бу жазолар ҳам барибир Александрга кор қилмади. Шундан кейин у билан алоҳида суҳбатлашиш учун комбинат партия комитетига таклиф этишди.

Партком мажлисида ҳамма Александрнинг фойдасини кўзлаб гапирди, уни тўғри йўлга солмоқчи бўлишди. Аммо Осипов гўё ҳеч нарса бўлмагандек лоқайд ва бепарво ўтираверди. Ўз тақдири ҳал бўлаётган шу дамларда ҳам бемаъни қилмишлари учун дўстлар олдида узр сўрашни эп кўрмади. Хўш, шундай коммунист билан муроса қилиб бўладими? Йўқ, у аллақачон коммунист деган улуғ номга доғ тушириб, ўз партия ташкилотини уятга қолдирган эди. Шунинг учун ҳам партком мажлисида Осиповни партия сафидан чиқаришга қарор қилинди.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ишлари давом этаётган ҳозирги дамларда ҳар бир коммунист ўзи бажараётган ишлар ҳақида ўз виждони, ўз дўстлари, ўз ташкилоти олдида ҳисоб бериб бориши керак. Аниқланган нуқсонларни дўстлар ёрдамида бартараф этиши, коллектив муваффақиятига кўпроқ шахсий ҳисса қўшиш йўлларини топиши лозим.

Шундагина партия ташкилотлари жанговарлиги янада ўсади, тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ҳал этиш имкониятлари яратилади.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Чирчиқ шаҳри.

ТОШКЕНТ полиграфия техникумида студентларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ аудиторялар, лабораторялар, спорт зали улар хизматида. Студентлар бу ерда мураккаб полиграфия машиналарининг турли хиллари ҳамда газета-журналларни сифатли босмадан чиқаришнинг технологияси билан танишмоқдалар. Суратда: печатник П. Соснинг бир группа талабалар билан машғулот ўтказмоқда.

И. Душкин фотоси.
(ЎзТАГ).

ЯНА БИР МАҲСУЛОТ

Бундан бир неча йил илгари «Ўзбексельмаш» заводининг 9-цехи қошида аҳолига кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бўйича махсус бригада ташкил этилган эди. Бригада чиқинди тунука, тахта ва ёғочлардан андава, жўва каби рўзғорбоп товарлар, кичкинтойлар учун комплект тайёрлаб чиқаради.

Рима Иноғомова бошчилик қилаётган бу коллектив яқинда ассортиментни яна бир зарур маҳсулот ҳисобига бойитди. Бригадада турли размердаги тунука черепицалар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қурилишлар учун зарур бўлган бу маҳсулотни тайёрлашда цехнинг Зумрад Аҳрорхўжаева, Бакия Имазова каби ишчилари намуна кўрсатяптилар.

А. ОРИПОВ.

✦ ЛЮБОВЬ ЧИКОВА Тошкентдаги «Учкун» тўқимачилик галантерея фирмасида кўп йиллардан буён халол меҳнат қилиб, коллектив ҳурмат ва эътиборини қозонган. Юбилейолди меҳнат вахтасида туриб ишлаётган бу меҳнатсевар аёл 1973 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Шонли сана — СССР ташкил топганининг олтин тўйи яқинлашган сари саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасаларда меҳнат кўтаринкилиги авж олмоқда.

Янгийўл пойафзал фабрикасида ҳам шу кунларда иш авжида. Цехлар, бригадаларо социалистик мусобақа ҳар томонлама кучайтирилган. Фабрика директори Федор Иннакентьевич Тегай билан цехларни айланамиз.

— Тўқкизинчи бешйилликнинг иккинчи йили ҳам дуруст якунланмоқда,— дейди ҳамроҳимиз.— Узоққа бормай 11 ойлик натижаларга назар ташлайлик. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалимизда бир миллион 426 минг жуфт пойафзал тикиш эди. Ҳақиқатда бир миллион 474 мингдан ортиқ маҳсулот тикилди. Еки план 103,4 процент қилиб уддаланди. Ўн бир ой мобайнида маҳсулотни реализация қилиш топшириғи 102,3 процент бажарилиб, савдо ташкилотларига мўлжалдаги 5 миллион 704 сўм ўрнига 5 миллион 834 минг сўмлик кичкинтойлар оёқ кийимлари етказиб берилди.

Шунисе қувончлики, фабрикамиз тамғаси босилган пойафзалларга талаб йил сайин ортиб боряпти. Бу — бир томондан бизни севинтирса, иккинчидан тикилаётган маҳсулотларга, улар сифатига талабчанликни оширишнинг тақозо этади.

Ўтган йилга нисбатан бу йил савдо ташкилотлари, аҳолидан тушган рекламация анча камайди.

Меҳнат илмий асосда ташкил этилиши, хўжаликни бошқаришнинг янги системасига ўтиб ишланиши, янги техника ва илғор технологиядан кенг фойдаланиш, социалистик мусобақанинг хилма-хил формаларини қўлланиш кутилган натижаларни бермоқда. Бу — аввало ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатларида яққол сезилмоқда. Прогулчиликка, брак маҳсулотлар тикилишига чек қўйилмоқда.

Юбилей йилида эришилган муваффақиятлар шуларгина эмас. Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ташкилоти маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқиб амалда қўллаяпти. Чунончи, бу йил болаларнинг ёзги, кузги туфли ва ботинкалари тикиш технологияси ўзлаштиридик. Бежирим, пишиқ пойафзаллар кўпчиликка маъқул тушди, шекилли, савдо ташкилотларидан буюртмалар тушмоқда. Бешйилликнинг иккинчи йилида мўлжалдаги 30 хил янги моделли пойафзал тикиш тўла ўзлаштирилди.

Янгийўл пойафзал фабрикасида ҳам вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган зарбдорлар талайгина. Улар тез ва соз ишлаб, ўз касбдошларига ўрнак кўрсатишмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдорлари — бичувчилар Елена Лазарева, Мария Часовская, иккинчи цехдан Фуад Валиев, фрезерчи Али Осмонов ва бошқалар смена топшириқларини 140—160 процентга етказиб, айни кунларда 1973 йилнинг ноябрь, декабрь ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Корхонамизда бешйилликни тўрт йил ҳатто ундан ҳам барвақт бажаришга бел боғлаган бундай азамат девятовачиларнинг аксарияти шахсий тамғага эга.

Яқинда 11 ойлик кўрсатгичлар қараб чиқилди. Ўртоқ Крахмальний смена бошлиғи бўлган иккинчи цех коллективи социалистик мусобақада яна юқори ўринни эгаллади. Азаматлар ўтган муддат мобайнида планда белгиланганидан 20 минг жуфт ортиқ пойафзал ишлаб чиқардилар, маҳсулотнинг 90 процентдан ортиқроғини биринчи сортларда қабул қилинишига эришдилар. Фабрика маъмурияти илғор коллективни кўчма Қизил байроқ ҳамда пул мукофоти билан тақдирлади.

— Пойафзалчиларимиз шонли юбилей муносабати билан илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятни қайта кўриб чиқдилар ва зиммаларига тағин ҳам шарафли вазифа олдилар,— дейди пировардида директор.— Биз ўз имконият ва резервларимизни ҳисоблаб чиқиб, маҳсулот реализация қилиш топширигини 22 декабрда уддалашга аҳд қилдик. Қолган вақт ичида эса 30 минг жуфт оёқ кийимлари тикиб, кичкинтойларга Янги йилга совғаси тайёрламоқчимиз.

Я. САЛИМОВ,
Янгийўл шаҳри.

ҚИШЛОҚ МЕДИЦИНА ШАҲАРЧАСИ

ОҚҚУРҒОН, (ЎзТАГ). Бу ердаги йигирма гектарли участкада қишлоқ медицина шаҳарчаси қуриб битказилди. Ёш мевазор боғда бир неча кўркам ва шинам бинолар жойлашди. Қишлоқ шифохонаси комплексида 240 ўринли ва туғруқхонали тўрт қаватли шифохона корпуси, 60 ўринли икки қаватли болалар стационар шифохонаси, тез ёрдам станцияси ва бошқа хизматлар бор.

Бош корпус ёнида катталар ва болаларнинг кунига 500 кишини қабул қила оладиган поликлиника биноси жойлашган. Бу ерда диагноз ва даволаш кабинетлари яхши жиҳозланган.

Медицина ходимлари учун 20 квартирали уй қурилди. Яна бир шундай уй қурилмоқда.

СЕРҚАЙМОҚ СУТ

Яқинда Тошкент сут комбинатида топширилаётган сутнинг сифатини яхшилаш ва 1973 йилнинг январидан бошлаб янги давлат баҳосига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон гўшт-сут саноати министрлиги ходимлари, область инспекциясининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича сифат назоратчилари ва областимиз колхоз ва совхозларининг зоотехниклари, ферма мудирлари, мол докторлари, ҳамда комбинат мутахассисларининг семинари бўлиб ўтди.

Семинарда область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифат бўйича бош давлат инспектори Н. Носиров пойтахт чорвадорларининг муваффақиятлари ва келгусидаги ишлари ҳақида доклад қилди.

Улуғ сана СССРнинг ярим асрлик олтин тўйини муносиб кутиб олиш учун самарали ишлаётган чорвадорларимиз, — дейди докладчи, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида область колхоз-совхозлари бўйича 72,2 минг тонна яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,5 минг тонна кўп сут тайёрланди. Биринчи декабргача барча районларда давлатга сут топшириш плани муваффақиятли адо этилди. Чорвадорларимиз йил оохиригача яна 7—8 минг тонна сут топшириш ниятидалар. Бу юбилей йилида 80 минг тонна сут тайёрлаш имконини беради.

— Бундай муваффақиятга, — кўпгина хўжаликларда етарли озуқа базаси яратилганлиги, қорамоллар зотига алоҳида эътибор берилганлиги, илғор иш методларидан унумли фойдаланилганлиги натижасида эришилди. Бу борада Калинин, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва Бўстонлиқ районлари чорвадорларининг ишлари мақтовга лойиқдир.

Тўқкизинчи беш йилликнинг учинчи йилида чорвадорлар олдида давлатга гўшт-сут топширишни сезиларли даражада ошириш ва янги давлат баҳосига ўтишдек улкан вазифалар турибди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ютуқларимиз билан бирга талайгина камчиликлар мавжуд. Яқинда гўшт-сут саноати министрлиги, область, давлат инспекцияси ва санитария ходимлари барча сут-товар фермаларида бўлдилар.

Маълум, бўлишича, 238 та фермадан 236 таси электрлаштирилган. 120 таси совуқ аппаратлари билан таъминланган. Молларни механизация ёрдамида суғориш 203 та, молхоналарни тозалаш эса 142 фермада амалга оширилган. Фақатгина 158 та фермада лаборатория ташкил қилинган. Бу меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Айни кунларда областимиз колхоз-совхозларининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига жавобан маҳсулот етиштиришни сезиларли даражада ошириш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон гўшт-сут саноати министрлигининг катта инженер-технологи Қ. Муҳамадалиева «Янги давлат баҳосига ўтишнинг моҳияти», сут комбинати ишлаб чиқариш бошлиғи Л. Земскова «Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда сут сифатининг роли» деган темада доклад қилдилар.

Сўнгра семинар қатнашчилари комбинат участкаларида бўлиб, сутнинг таркибини аниқлашнинг янги усуллари билан танишдилар.

М. ҚАЮМОВ.

СССР 50

МАЪРИФАТ ЎЛКАСИ

Совет ҳокимияти йилларида серқуёш Ўзбекистонимиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзбек диёри илм-фаннинг барча тармоқлари тобора кенг қулоч ёйётган, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари мамлакат халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари учун етук кадрлар тайёрлаб бераётган маърифат ўлкаси бўлиб қолди.

Олий ва ўрта махсус таълимнинг бундай кенг ривожланганлиги, шаҳар ва қишлоқ ёшларининг фан асосларини чуқур эгаллашга интилаётганлиги — жамиятимиз социал тараққиётининг, партия ва ҳукуматимиз халқнинг маънавий қиёфасини ўстириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганлигининг жонли ифодасидир.

Бу саҳифада олий ўқув юртларининг босиб ўтган йўли, мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ютуқларимиз ҳикоя қилинади.

ЛЕНИН ДАҲОСИ БИЛАН

БОШҚА халқлар қатори ўзбек халқи ҳам ўзининг узоқ тарихи давомида фан ва санъат чўққиларига интилди ва уларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келди. Ўтмишда феодал тузумининг зулми, диний разолат, социал, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқсизлик ҳамда жаҳолат ҳукм сурган шароитда, халқимизнинг фозил намояндалари зулмат қўйнида, нур қидириб, халқнинг эзгу ниятларини ушатиш учун ижод қилдилар. Шунинг учун халқимиз фан ва маданиятни бекорга нур, зиё билан таққосламаган, илмли, ижодкор одамни бежиз зиёли, деб атамаган, албатта. Аммо, ялтираган бир нечта ўнлаб ва юзлаб дур билан зимистонни чароғон қилиб бўлармиди. Бечора халқ муҳтожликда ва жаҳолатда яшар, у ёшасига саводсиз, фан дурдоналаридан бебаҳра эди».

Бу сатрларни Ўзбекистоннинг бир гуруҳ атоқли олимлари томонидан ёзилган «Маърифат чўққилари» мақоласидан келтирдик.

Шундай, Совет тузумининг ғалабасигача ўзбек халқининг деярли 98 процента саводсиз эди. Ўзбекистон тупроғида биронта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Мавжуд зиёлилар орасида инженер, врач ёки ҳақиқий олимни тополмасдингиз. Октябрь революциясига қадар Туркистон ўлкаси бўйича бор-йўғи оти агроном ва ўн олти ўрта махсус таълим эгаси бўлган, холос.

Нимасини айтасиз — аччиқ статистика! Буюк Октябрь қуёши, улуғ Ленининг даҳоси халқларга эркин ҳаёт, фаровон турмуш бағишлади. Ёш совет ҳокимияти ҳаммани билимли бўлишга чақирди. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланиб «СССРда социалистик ўзгаришлар тажрибаси ва унинг ҳалқаро аҳамияти» мавзуида ўтказилган ҳалқаро илмий конференция материалларида таъкидланганидек, турмуш ўн ва юз минглаб юқори малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қилаверди, олий ва ўрта махсус таълимни тез суръатлар билан ривожлантирмай туриб, фанни яшнатмай туриб, бундай зиёлиларни етиштириб бўлмас эди.

Партия бу соҳада жуда катта куч ва ғайрат сарфлади.

...Доҳий Ленининг, мамлакатда ҳатто бир киши ҳам саводсизлигича қолса, революция хавф остида бўлади, деган сўзларини қатъият билан такрорлаган комиссарларнинг ўша жўшқин нутқларида ҳам босмачиларга қарши курашга отланган фидойиларнинг хатларида «Қурол жўнатинглар!» деган жумлалар ёнида «Китоб жўнатинглар, имкони борича кўпроқ китоб жўнатинглар!» деб ёзиб қўйилганида ҳам, ишчи-деҳқонлар оммаси ўртасида газеталарда эълон қилинган янгиликларга бўлган қизиқишнинг туғилишида ҳам билимнинг хаётбахш нури акс эттириб турарди.

«Қизил байроқ» газетаси меҳнаткашлар эътиборини янги институт очилишига қаратди. 1920 йилнинг 17 декабрида босилган «Институтлар ҳақида» деган мақолага кўпчиликнинг нигоҳи тушди. Унда: **«Туркистон жумҳуриятининг ҳалқ комиссарлари Шўросининг 1920 йил 2 декабрда бўлгон мажлисида ушбу қарор чиқарилгон:**

Халқ маорифи учун Тошкент шаҳрида институтлар очмоқ хусусида.

Мактабларда таълим бермак ва мактабга келгунча таълим бермак ҳам мактабдан ташқари катта кишиларга илмий тарбия бермак учун олий даражадаги ходимлар тайёрламоқ мақсадда маориф комиссариати ушбу йил куз фаслидан бошлаб Тошкент шаҳрида тубанда исмлари ёзилгон тарбия берувчи ташкилотлар очмоқдалар. Биринчи олий тарбия берадиргон Туркистон халқлари учун... халқ маориф институти очиладур...» деб ёзилганди.

Доҳиймиз В. И. Ленининг муборак қўли билан имзоланган машҳур Декрет асосида 1920 йилда Туркистон Давлат университети ўз эшикларини кенг очди. Тўнғич илм ўчоғига кечаги чўпон, деҳқон, ишчи-ёшлар қабул қилинди.

Ўшанда дорилфунун ўз ихтиёрида бешта факультетга эга эди. 1923 йилга келиб унга Ўрта Осиё Давлат университети деб ном берилди.

Ишчи факультети йигит-қизларни, айниқса маҳаллий миллат вакилларини университетга кириш учун тайёрлади. 1922 йили уни 60 киши тамомлади. Улар — дастлабки мутахассис кадрларнинг қалдиғочлари бўлдилар. 1921-1929 йиллар мобайнида университетни 843 мутахассис муваффақиятли тамомлади. Булар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Н. Қори-Ниёзий, академик Т. З. Зоҳидов, кимёгар олим А. Шамсиев ва бошқалар бор эди.

Ҳозирда эса В. И. Ленин номи билан аталмиш бу илм-фан даргоҳида 50 миллат ёшларидан иборат 15 минг студент таълим олмоқда. Олий ўқув юрти 14 та факультет, 103 та кафедра, 14 та проблема лабораториясига эга. Булар — ўсиш, улғайиш рақамлари эмасми!

Фақат шунинг ўзигина эмас. Университет республикамизда, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда очилган кўпгина олий ўқув юртлари учун база бўлиб хизмат қилди.

ИЛМ-ФАН ЙЎЛИ

ЎТТИЗИНЧИ йиллар... Бу даврга келиб олий ўқув юртлари тармоғи анча кенгайди. Университет базасида юзага келган Тошкент Политехника институти мустақил олий ўқув юрти бўлиб қолди. Бу, бежиз эмас эди. Турмушнинг ўзи буни тақозо этди.

Ўша биринчи беш йилликлар даврида мавжуд саноатни қайта тиклаш, реконструкция қилиш билан бирга янги тармоқлар, аввало оғир саноат тармоқлари: қишлоқ хўжалик машина созлиги, пахтачилик учун ўғитлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари саноати, энергетика базасини барпо этиш соҳасида катта ишларни амалга ошириш кўзда тутилганди. Шу боисдан инженер-кадрларга бўлган эҳтиёж шу қадар ошдики, университетдаги техника факультетининг имкониятлари билан буни қондириш амри маҳол бўлиб қолди.

Халқ хўжалигини янада ривожлантиришда инженер-техник кадрларнинг улкан роли инобатга олинди. 1933 йил 4 ноябрда СССР Халқ Комиссарлари Совети Ўрта Осиё индустриал институтини очиш юзасидан қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди: «Тошкентда Оғир саноат халқ комиссариатига қарашли тоғ, қурилиш ва энергетика институтлари бирлаштирилиб, Ўрта Осиё индустриал институти ташкил қилинсин»».

Олий ўқув юртининг факультетлик вақтида бу ерда 300—400 студент таҳсил кўргани статистикадан маълум. Институтга айлантирилгач, унинг фаолияти кенгайиб кетди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди: 1934 йилда 319 киши, 1940 йилда 607 киши, 1955 йилда 1000 киши Тошкент Политехника институтини тамомлади. 1963 йилда илмий даргоҳ 1236 мутахассис-инженерга диплом берди. 1971 йилда эса бу рақам 1,5 бараварга ортди.

Шу йиллар давомида электротехника, геофизика усуллари билан қидирш, теплотехника, тоғ электротехникаси, гидроэнергетика қурилмалари каби янги соҳалар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу йил эса олий ўқув юрти қишлоқ архитекторларининг биринчи отрядини «учирма» қилди. Янги ўқув йилида бошқаришнинг автомат системаси факультети ўз ишини бошлади.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ҳам политехника институти билан деярли тенгдош. Ўтган йили Ўрта Осиёдаги бу йирик олий ўқув юрти ўзининг 40 йиллик тўйини нишонлади. У бундан 41 йил муқаддам Ўрта Осиё темир йўлига қарашли олий инженерлик курси ҳузурида ташкил топди. Кўп йиллик фаолияти давомида институт 14 минг инженерни темир йўл тармоқларига йўллади. Улар ҳозир 16 ихтисослик бўйича меҳнат қилмоқдалар. Мутахассис кадрларни етиштиришдаги катта хизматлари учун олий ўқув юрти Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

КАДРЛАРНИНГ КАТТА ОТРЯДИ

УЛУҒ Батан урушининг ўша оғир йилларида партия ва ҳукуматимиз олий таълимга бўлган эътиборни бўшаштирмади. Мутахассис кадрларни тайёрлаш тўғрисида катта ғамхўрликлар қилинди. Олий ўқув юртлари қийин шароитда бўлса ҳам халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни давом эттираверди. Студентларнинг ўқиши мамлакат мудофаси билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. 1940-1945 йиллар мобайнида педагогика институтлари ва билим юртлари 9 мингдан ортиқ ўқитувчини тайёрлаб чиқарди.

Эвакуация қилинган шаҳарлардан Ўзбекистонга бир нечта олий ўқув юрти кўчириб келтирилди. Натижада институтлар сони 47 тага етди. Улар 4 йил ичида 10 мингдан ортиқ ёш мутахассисни халқ хўжалигига йўлладилар.

Тошкент Давлат медицина институтининг масъулияти ортди. Уруш йилларида уни битириб чиққан 2 мингдан ортиқ врач инсон сиҳат-саломатлиги муҳофазаси билан банд бўлди. Эвакуация қилинган касалхоналарда ҳам бу жонкуяр шифокорларни учратиш мумкин эди.

Олий таълим улуғ Ватан урушидан сўнг тез суръатлар билан ривожланди. Студентлар сони орта борди.

Партия ва ҳукуматимиз олий мактабларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва янгиларини очиш учун жиддий эътибор бердилар. Ўзбекистонда халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча соҳалари учун кўплаб мутахассислар тайёрлашнинг аниқ тадбирлари белгиланди.

Янги олий ўқув юртлари, факультетлар ва бўлимлар очилди. Чунончи, Тошкент Политехника институтида трактор қурилиши, саноат ва граждан қурилиши, гидротехника иншоотлари бўлимлари иш бошлади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш факультетига Тошкент тўқимачилик институти янги факультетга студентлар қабул қилдилар.

Шундай қилиб, 1946 йили республикамиздa 25 та олий ўқув юрти бўлган бўлса, 1950 йилга келиб улар сони 36 тага етди. Уларда 35 минг йигит-қиз таҳсил кўрди.

Тошкент тўқимачилик институтининг базаси мустаҳкамланди. Бу олий ўқув юрти асосан тўқимачилик ва пахта саноати учун инженер-кадрлар тайёрлашга даъват этилди.

Умуман, 1946—1950 йилларда техника олий ўқув юртлари 3011 мутахассисни тайёрлаб берди. Бу даврда Тошкент қишлоқ хўжалик, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларини мингдан ортиқ агроном, ветеринар, инженер ва мелиораторлар тамомлади.

Тошкентда Ўзбекистон рус тили ва адабиёти педагогика институти очилди. Бу билан рус тили ўқитувчилари тайёрлаш иши кескин яхшиланди. Институт кейинги 5 йил ичида икки мингга яқин мутахассис кадрни тайёрлаб чиқарди. Оҳангарондаги область педагогика институти ҳам ўқитувчи кадрларни тайёрлай бошлади.

Янги 1972-1973 ўқув йилида бир йўла иккита олий ўқув юрти иш бошлади. Булар — Ўрта Осиё медицина педиатрия ва автомобиль йўл қурилиши институтларидир.

Ҳозир республикамизда 40 та институт ишлаб турибди. Уларда 235 мингга яқин студент таълим олаяпти. Бу, шунчаки рақамлар эмас! Булар замминда чуқур мазмун бор.

Саккизинчи бешйилликда олий ўқув юртлари қучоғида 90 минг 170 дан ортиқ юқори малакали мутахассислар тайёрланган эди. Уларнинг аксарияти ҳозир халқ хўжалигининг саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, экономика каби энг муҳим соҳаларида ишламоқда. Тўққизинчи бешйилликда эса 138 минг 727 олий маълумотли мутахассис қайноқ меҳнат қучоғига йўлланма олади.

Республикамизда олий ўқув юртларининг катта оиласи вужудга келди. Студентлар сони жиҳатидан биз Осиё мамлакатлари у ёқда турсин, ҳатто Европа мамлакатларидан ҳам анча илгарилаб кетдик.

...Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин, ишчи ва деҳқонларнинг болалари кенг равишда олий маълумот оладиган, мамлакатнинг миллий ўлкаларида туб халқ фарзандлари олий маълумотли бўлишига имкон яратиладиган вақт келишини орзу қилган эди. В. И. Ленининг бу орзуси шараф билан бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида янги истиқболлар белгиланди. Қарорда олий таълимни ривожлантириш, халқ хўжалиги, фан ва маданият учун малакали кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш соҳасида партия XXIV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар аниқ равшан кўрсатиб берилди.

* * *

СОВЕТЛАР диёри ташкил топганига ярим аср бўляпти. Шу 50 йил ичида ўзбек халқи илм-фан ва маданият соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритган экан, бу билан чексиз фахрланамиз.

Зафарли одимларимизга бутун жаҳон қойил қолмоқда. Республикамизга келган чет эллик арбоблардан бири Швейцариянинг СССРдаги элчиси Р. Линдт ҳам ўз ҳаяжонини яшира олмади: **«Бундан 50 йил муқаддам ўзбеклар орасида ёзиш ва ўқишни биладиганлар жуда озчиликни ташкил этган бўлса, эндиликда улар атом билан «тил» топишганлар. Совет Ўзбекистони фаннинг энг янги йўналишлари бўйича ўз маҳаллий мутахассисларига эга».**

Ҳа, ана шундай! Ўтган 50 йил мобайнида Совет тузуми туфайли Ўзбекистонда илм-фан асрлар суръатидан ҳам тез тараққий этди. Революциягача саводсиз ҳисобланган республика, эндиликда ҳамма соҳалар бўйича совет шарқининг илгор индустриал ва юксак маданиятли ўлкасига айланди.

Р. ЯЛИШЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ўқув-методика кабинетининг мудири.

А. АЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий мухбири.

▲ ТОШКЕНТ ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири дир. Бу ерда малакали инженер кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда илмий ишларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Умумий химия кафедрасида ҳам тадқиқотлар кўлами кенгайиб кетди. Профессор Н. Мақсудов бошчилигида кафедра олимлари кимё фанининг муҳим соҳалари бўйича илмий кузатиш олиб бормоқдалар. Суратда: ўртоқ Н. Мақсудов (ўнгда) илмий ходимлар билан лабораторияда.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ТУРСУНОЙ Розиқова Калинин районидаги тажрибали ўқитувчилардан бири. У 33-мактабда кимё фанидан дарс беради. Машғулотлар доим кўргазмали қуроллар асосида олиб борилади.

Моҳир педагог мактабда ташкил этилган кимё тўгарагига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Суратда: ўқитувчи Т. Розиқова тўгарак машғулотини олиб бормоқда.

С. Махов фотоси.

ТАШАББУСКОР ЎҚИТУВЧИЛАР

Мамлакатимизнинг шонли олтин тўйи олдидан Тошкентдаги Г. Димитров номли 9-мактаб коллективи яхши ташаббус билан чиқди. Билим ўчоғи партия ташкилоти ишлаб чиққан тадбирлар шаҳар халқ маорифи бўлими томонидан маъқулланди.

Ибратли ташаббус шаҳар мактаблари томонидан қўллаб-қувватланди.

Мактабда бўлган киши улуғ санани ҳақиқатан ҳам муносиб кутиб олаётганлигини ўз кўзи билан кўради. Мактаб заллари байрамларча безатилган. Бу ерда турли республикалар гербларини, байроқларини, юксалиш рақамларини кўрасиз. Улуғ доҳий В. И. Ленининг фаолиятига бағишланиб алоҳида стенд ташкил этилди.

Синфлар у ёки бу қардош республика ўқувчилари билан алоқа боғлаган. Шу республикага бағишланган альбом, фото ва деворий газеталар ҳам тайёрланди. Тарбиявий соатлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ўзаро ёзишмалар ташкил этилди. Интернационал клуб ҳам анчагина ишларни бажарди. Бу ерда Г. Димитровнинг ҳаёти ва революцион фаолиятини ҳикоя қилувчи бурчак бор. Болгарияннинг Хасково области ўқувчилари билан олиб борилаётган алоқаларни стенд материаллари орқали билиб оласиз.

Ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар учун тематик суҳбатлар ташкил этилди. «Ленинча халқлар дўстлиги», «КПСС — Совет халқининг йўлбошчиси», «Бузилмас қардош республикалар иттифоқи», «Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси», «Ўзбекистон тўққизинчи беш йиллиқда», «Ярим аср ичида СССРда фан ва маданият», «СССР — тинчлик байроқдори» деган темаларда доклад ўқилди. Суҳбатларни ўқитувчилардан И. Саъдиев, Ш. Рихсиева, К. Қаюмов, Ҳ. Алиева, Ш. Абдуллаева ва бошқалар олиб бордилар.

Ўқитувчилар юбилей йилини фақат «4» ва «5» баҳоларда якунлашга сўз беришган.

С. СУЛТОНОВ.

КУТУБХОНАДА КЎРГАЗМА

Оққўрғон районининг Алишер Навоий номли кутубхонаси ходимлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигига бағишлаб «Қардош халқлар адабиёти» кўргазмасини ташкил қилишди. Ҳозиргача кўргазмада қирғиз, туркман, эстон, украин, белорус халқларининг адабиёти кенг китобхонлар оммасига намойиш қилинди. Витриналардан турли халқлар шоир ва адибларининг асарлари ҳамда улар ҳақидаги адабиётлар ўрин олган.

Маълум республика адабиётининг кўргазмаси ташкил этилган кунда китобхонлар билан ўша қардош республика ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шу кунларда кутубхонада Қозоғистон адабиёти кўргазмаси намойиш этилган. Унда қозоқ шоир ва адиблари Жамбул Жабаев, Мухтор Авезов, Ғабит Мусрепов ва бошқаларнинг йирик асарлари ўрин олган.

Ҳ. АҲМЕДОВ.

МАКТАБ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИНИНГ БУРЧИ

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Областимиз мактаблари комсомол ташкилотлари КПСС XXIV съезди ва ВЛКСМ XVI съезди қарорлари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Комсомол комитетлари ўқувчиларнинг ўзлаштиришини яхшилаш, меҳнатга кўниктириш, партия ишига садоқат руҳида тарбиялаш билан эндиликда конкрет шуғулланмоқдалар. Бу тадбирлар ижобий самаралар бермоқда. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларнинг ўзлаштириши олдинги йилларга нисбатан анча юқори бўлди. Комсомол ташкилотлари педагогик коллективлар ва хўжаликлар комсомол комитетлари билан ҳамкорликда ёшларни мунтазам равишда ижтимоий меҳнатга кўниктириб бормоқдалар. Областда ҳозир 182 та ишлаб чиқариш бригадаси ва 78 та қуёнчилик фермаси бор. Ёз пайтда 150 дан ортиқ ўқувчи ремонт-қурилиш бригадалари сафида меҳнат қилди. Ўқувчиларнинг аксарияти далаларда мўл ҳосил етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалик агрегатларини бошқаришни ҳам ўрганмоқда.

Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ва Калинин район комсомол ташкилотлари мактаб комсомоллари жанговарлигини ошириш йўлида алоҳида қайғурмоқдалар. Жойларда турли хил ўйинлар ташкил қилинмоқда. Гражданлар ва Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасига ёдгорликлар ўрнатилаяпти, тарихий жойлар қидириб топилаяпти.

Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ВЛКСМ Марказий Комитетининг VI пленуми қарорлари асосида мактаб комсомол ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш ва ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда улар ролини янада ошириш масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Докладчи область комсомол комитетининг иккинчи секретари В. Д. Ардатов мактаб комсомол ташкилотлари активлигини ва жанговарлигини ошириш соҳасида кейинги йилларда қилинган ишлар ҳақида гапирди.

Докладчи ва бошқа нотиқлар пленум қатнашчилари эътиборини бажарилмай қолаётган вазифаларга ҳам қаратдилар. Куйбишев, Пискент, Бўстонлиқ, Оржоникидзе районлари комсомол комитетлари мактаб комсомол ва пионер активларини ўқувини ташкил этишга етарлича эътибор бермаяптилар. Кўпгина катта пионервожатийлар ва комсомол ташкилотларининг секретарлари комсомол иши ва пионерлар ҳаракати, мактабларда тарбиявий ишларни ташкил қилиш проблемаларига оид билим ва тажрибаларни пухта ўзлаштирмаганлар. Ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

УНИВЕРСИТЕТДА АДАБИЙ КЕЧА

Куни кеча В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент давлат университети кутубхонасининг катта ўқув залида адабий кеча ўтказилди.

Кечага таниқли ёзувчи ва адабиётшунослар Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Лазиз Қаюмов, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Озод Шарафуддинов, Зульфия, Шуҳрат ва ёш қаламкаш Ҳалима Худойбердиева-лар меҳмон бўлиб келишди.

Бу кеча «Халқлар дўстлиги», «Адабиётлар ҳамкорлиги» мавзуига бағишланиб, уни университетнинг ўзбек адабиёти тутараги совети уюштирди.

Кечада сўзга чиққан ёзувчи ва адабиётшунослар студентларни қизиқтирган жуда кўп саволларга батафсил жавоб қайтаришди ва ўзларининг янги асарлари билан таништирдилар.

„БОЛАЛАР ДУНЁСИ"ДА БАЙРАМ ОЛДИ САВДОСИ

Тошкент болалар дунёси универмагида ва уннинг павильонларида яқинлашиб келаётган Янги йил байрамолди савдоси ташкил қилинди.

Ҳамшаҳарларимиз универсал магазин пештахталаридан янги йил арчаси учун керак бўлган турли арча безаклари, ўйинчоқлар ҳамда ранг-баранг совғалар харид қилишлари мумкин. Булардан ташқари, магазинда болалар пальтолари, костюмлар, устки-бош ва оёқ кийимлар, трикотажлар билан ҳам савдо қилинади.

Янги арча байрами қувончли ўтсин десангиз, «Болалар дунёси»га марҳамат қилинг.

Т. ЮСУПОВ.

ЯНГИЙЎЛДА Улуғ Ватан урушида халоқ бўлган жангчиларга монумент-ёдгорлик ўрнатилган. Суратда: ёдгорлик ёнида.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси, (УзТАГ).

„ЗАФАРНОМА" ТОШКЕНТ НАШРИ

«Зафарнома»нинг энг тўлиқ тексти кенг илмий жамоатчиликка тақдим этилди. Шарафиддин Яздийнинг Темур даври тўғрисида ҳикоя қилувчи бу илмий асарини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти нашр этди.

Тошкентдаги шарқшунослик институтида 4472 рақами билан сақланаётган бу асарнинг қўлёзмаси биринчи марта асли ҳолида нашр этилди. Қадимий ҳаттотнинг чиройли хати билан ёзилган ва ичида жуда чиройли 12 та рангдор миниатюраси ҳам бўлган бу асарнинг фотонусхаси чоп этилганлиги қадимий ҳаттотлар ва рассомлар санъати тўғрисида тасаввур ҳосил қилишгагина ёрдам бериб қолмасдан, шу билан бирга асл қўлёзманинг мутлақо аниқ нусхасини кўришга ҳам имкон беради.

Бу нашрнинг энг муҳим хусусияти шуки, унда Шарафиддин Яздий асари тўла-тўкис акс эттирилди, Алишер Навоийнинг айтишига қараганда, жаҳон аҳли гоят мукаммал асар, деб топган бу асар илгари ҳам неча марталаб нашр этилган эди. Бу асар бир неча марта таржима қилиниб, шеърга солиниб, асл ҳолида Теҳронда, Калькуттада, Лондонда, Парижда нашр этилган бўлса ҳам, лекин уларнинг биронтасини ҳам асарнинг тўлиқ тексти, деб бўлмайди.

«Зафарнома»нинг бу нашрининг марта муқаддима (кириш сўзи) билан очилади. Асарнинг муқаддимасида, икки бобида ва хотимасида Темурнинг ота-боболари тасвирлаб берилади, туркий қабилаларнинг ва Чингизхон тўрт улусининг келиб чиқиш тарихи баён қилинади, ўн тўртинчи асрнинг бошларида Ўрта Осиёдаги ва у билан чегарадош мамлакатлардаги сиёсий вазият тасвирлаб берилади. «Зафарнома» текстининг таҳминан бешдан бир қисмини мана шу муқаддима ташкил этади. Ўрта Осиёнинг тарих адабиётида узоқ вақтгача ўрнак бўларли асар, деб ҳисобланиб келган бу асар муқаддимаси билан бирга нашр этилгач, унинг бутунлигини қайта тиклашга муваффақ бўлинди.

Темурга бағишланган боблар ҳам илгариги нашрларга қараганда, тўлиқ ва мукаммал қилиб берилди. Чунончи, бу асарнинг турли нашрларини таққослаб кўриш натижасида «Зафарнома»нинг Теҳрон нашрида қолиб кетган кўпгина сатрлар Тошкент нашрига киритилди.

Турли нашрларнинг текстларини таҳлил қилиб чиқиш натижасида Тошкентдаги бу қўлёзма алоҳида қимматга эга эканлиги маълум бўлиб қолди. Бу қўлёзмадаги маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, XVII аср бошида бу асарни кўчириб ёзган ҳаттот XIV асрнинг биринчи ярмида Шарафиддин Яздий ҳаёт чоғида яратилган қўлёзмани асос қилиб олган. Настаълиқ деб аталган хат билан ёзилган ва суратлар билан безатилган бу қўлёзма санъатшунослар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

4472 рақамли бу қўлёзма ҳақидаги маълумотларни биринчи марта рус олимлари эълон қилган эди. Бу асар тўғрисидаги биринчи ахборотни Н. Г. Маллицкий Туркистон археологик ишкибозлари тўгарагининг 1889 йилдаги мажлисида берган эди. В. В. Бартольд ва А. А. Семенов асарларида бу асар тасвирлаб берилган, тавсифланган ва унинг қачон ёзилганлиги айтилган.

Асримизнинг бошларида эса, қўлёзма изларининг қаердалиги йўқолиб қолган эди. 1939 йилда Ўзбекистон давлат халқ кутубхонаси бу қўлёзмани сотиб олганидан кейин ундан илм аҳли фойдаланиш имконятига эга бўлиб қолди. «Зафарнома» 1943 йилдан бери Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Қўлёзма тексти нашрга А. Ўринбоев, А. Аренде таҳрири остида тайёрланди. Китобнинг нашрида турли қўлёзмалардаги айрим вариантлар, шахсий номларнинг, географик ва этник номларининг кўрсаткичлари, Шарафиддин Яздий эслатиб ўтган асарларнинг рўйхати берилган.

Қўлёзма темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланиб 1969 йилда Самарқандда ўтказилган ЮНЕСКО халқаро илмий симпозиумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР ташкилот комитетининг қарорига биноан нашр этилди.

С. ВЛАДИМИРОВ,
Е. ЕФИМОВ.
ЎзТАГ мухбирлари.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

«ИЗВЕСТИЯ» МУКОФОТИ УЧУН

Москвада «Известия» газетаси мукофоти учун бошланган халқаро хоккей турнири спорт мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу турнирда 1972 йилги жаҳон чемпиони Чехословакия терма командаси. Саппородаги олимпиада чемпионлари СССР хоккейчилари, Швеция, Финляндия ва Польша командалари куч синашишмоқда.

Дастлабки икки ўйин қизғин олишувлар билан ўтди. Биринчи кун Швеция ва Финляндия спортчилари муз устига чиқдилар. Шведлар 3:1 ҳисобида ўз рақибларини мағлубиятга учратишди. Якшанба куни совет командаси польшалик меҳмонлар билан ўйнади. Бу мусобақа ватандошларимизнинг устунлигида ўтди ва 5:1 ҳисоби билан тугади. Бугун турнирда Финляндия ва Польша командалари ўйнайди. Фахрли мукофот эгаси 23 декабрь куни СССР—Чехословакия командаларининг бахсидан сўнг маълум бўлади.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган мазкур мусобақа хоккейчиларга навбатдаги Европа ва жаҳон чемпионати олдидан кучларни синаб олиш имконини беради.

12 ТУРДАН СЎНГ

Тошкентда ўтаётган шахмат турнири ниҳоясига яқинлашмоқда. Сўнгги нун гроссмейстер Тайманов билан Арманистон чемпиони Л. Григорянниг учрашуви қизиқарли ўтди. Тайманов бир пиёдаси ортиқ ҳолда учрашувни кечиктирди. Кечиктирилган ҳолатда унинг ютишга имкониятлари катта.

РСФСР чемпиони Цешковский чиройли услубда ашкабодлик мастер Кудряшов устидан ғалабага эришди. Туркманистон вакили яна бир партияни бой берди. Бу сафар у олмаликлик Г. Аъзамовдан енгилди.

Турнирнинг иккинчи ярмида бокулик О. Павленко алоҳида кўтаринкилик билан ўйнамоқда. Кейинги олти ўйинда у тўртта ютуққа эришди. Бироқ тошкентлик Мухин билан учрашувда дуранг билан кифояланди. Тошкентлик Грушевский билан Муҳиддинов ўйинида ҳам кучлар тенг келди.

Ҳозирча ўн имкониятдан етти ярим очко олган Тайманов пешқадамлик қилмоқда. Цешковский ва Павленколар эса ўн бир ўйиндан шунча очко тўплашган. Республикамиз вакили Грушевский 12 имкониятдан 6,5 очкога эга.

И. БИРБРАГЕР,
СССР спорт мастери.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

БАНГЛАДЕШ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Ёш Бангладеш Халқ Республикаси ўзининг ташкил топган дастлабки кунларидан бошлаб ниҳоятда оғир вазифаларни ҳал этишга киришди, уруш жароҳатларини тугатмоқда ҳамда инглиз ва Ғарбий Покистон капитали унинг бойликларини кўп йиллар мобайнида бешафқат эксплуатация қилганлиги оқибатида рўй берган жиддий иқтисодий қийинчиликларни енгмоқда. Коммунистик партия ҳамда мамлакатнинг бошқа илғор партиялари ва ташкилотлари қўллаб-қувватлаётган бош министр Мужибур Раҳмон бошлиқ ҳукумат 1972—1973 йилларга мўлжалланган биринчи планни ишлаб чиқди. Бу планда миллий экономикани қайта тиклаш билан бирга уни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Планда экономикада давлат секторини мустаҳкамлашга ниҳоятда катта аҳамият берилган.

Хўжаликнинг муҳим тармоқлари давлат қўлига ўтди. Ўтган йилнинг охирларида, яъни Бангладеш Халқ Республикаси ташкил топмасидан бурун мамлакат саноати, савдо, транспорт ва молиясида асосий мавқени чет эл капитали эгаллаган эди. Ҳозир эса саноатда капитал ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан бешдан тўрт қисми, темирйўл, ҳаво ва денгиз транспорти, дарё пароход компаниясининг ҳаммаси, банк-молия муассасаларининг ўндан тўққиз қисмини давлат ўз назоратига олган. Ташқи савдода давлат монополияси ўрнатилди. Чет эл монополияларинг миллий экономикага тўсиқсиз кириб оладиган йўли беркитиб қўйилди.

Мамлакат саноатини тиклаш соҳасида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Илгари Ғарбий Покистондан олиб келинадиган пахта ҳисобига ишлайдиган тўқимачилик корхоналари учун хом ашё эндиликда Ҳиндистон ва СССРдан сотиб олинмоқда. Ҳукумат жут саноатини тиклашга қаратилган шошилич чоралар кўрди. Мамлакат учун анъанавий бўлган ана шу тармоқда яхши натижаларга эришилди: ҳозир жутни қайта ишлайдиган 64 корхона маҳсулот бермоқда. Хом ашёнинг бу турдан маҳсулот ишлаб чиқариш урушгача бўлган ўртача даражанинг 85 процентига етдики, хўжалик учун бунинг муҳим аҳамияти бор. Чунки, жут — асосий экспорт маҳсулоти ва мамлакат валюта тушумининг бош манбаи ҳисобланади.

Қишлоқларни қайта қуришга катта аҳамият берилмоқда. Бангладеш — аграр мамлакат. Қишлоқ районларида 70 миллионга яқин ёки аҳолининг 80 проценти яшайди. Бангладеш — жаҳондаги энг аҳолиси зич мамлакатлардан бири (ҳар бир квадрат километрга 500 дан ортиқ киши тўғри келади). Бу ерда ер масаласи кескин бўлиб турибди. Бир қатор тарихий сабабларга кўра, қишлоқларда йирик ер эгалиги бўлмаган ҳамда нисбатан оз хусусий хўжаликлар давлат назоратига олинган бўлса-да, ерсиз ва кам ерли деҳқонларнинг ҳозир ҳам жуда кўп. Шунингдек, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи майда ва ўрта ер эгалари бор.

Маъмурлар ҳозир меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволини енгиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мамлакатнинг озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган ички эҳтиёжини тўлиқроқ қондирадиган даражага кўтариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шу йилнинг бошларида аграр ислоҳот ўтказилажаги ҳақида маълум қилинди. Ана шу ислоҳотга кўра ерга эгалик қилиш чегараси бир оила ҳисобига 13,4 гектар миқдорида белгиланади ҳамда кам ерли камбағал деҳқон хўжаликлари солиқдан озод қилинади. Айни вақтда меҳнаткаш деҳқон хўжаликларига бериладиган қарзларни кўпайтириш, уларни имтиёзли шартларда уруғликлар, ўғитлар, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашга катта эътибор берилади.

Бангладеш ерлари ниҳоятда ҳосилдор. Иқлими иссиқ, юмшоқ, намлик етарли. Бундай шароит йилига уч марта ҳосил олишга имкон беради. Бироқ, хўжаликни энг оддий усуллар билан бошқарилгани учун ҳосилдорлик дунёда энг паст даражада қолиб келмоқда. Уч марта ҳосилдан атиги 11 миллион тонна дон олинади. Бу эса мамлакатнинг эҳтиёжларини қондира олмайди. Бу йил четдан икки миллион тоннага яқин миқдорда озиқ-овқат олиб келиниши кўзда тутилмоқда.

Янги ҳукумат рўй берган аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашдан иборат, деб ҳисобламоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун экономика эҳтиёжларига мўлжалланган барча маблағнинг 63 проценти ажратилмоқда. Чет элдан 5 минг трактор ва бошқа хил техника сотиб олиш, машина-трактор станцияларини ташкил этиш кўзда тутилган. Машина-трактор станциялари кооператив асосларда деҳқон жамоаларига хизмат кўрсатадиган бўлади. Бангладеш далаларида ҳозир 700 та совет трактори ишлаб турибди.

Мана шу ўзгаришларнинг барчаси чинакам мустақиллик негизини вужудга келтирадиган мустақил экономикани барпо этишга қаратилган. Бироқ, ҳозирча, Бангладеш молия ва планлаштириш министри Тоджиддин Аҳмаднинг журналистларга айтишича, «мамлакат ташқаридан иқтисодий ёрдам олмаса бўлмайди». «Бизга, — деб сўзида давом этди у, — фақат Ҳиндистон, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлардангина, эмас, балки АҚШ, Англия, Япония, Швеция, Канада ва бошқа давлатлар, турли хил халқаро ташкилотлардан ҳам ёрдам беришга ваъда қилишяпти. Лекин ҳозир ўз тараққиётининг янги босқичида турган Бангладеш биз учун энг оғир бўлган дамларда ишончли дўст сифатида синовдан ўтган, ғалабамизга ҳал қилувчи ҳисса қўшганларни ёддан чиқармайди».

Мужибур Раҳмон ҳукумати тинчлик, дўстлик ва қўшилмасликни ўз ташқи сиёсатининг асосий принципари деб эълон қилди. Ёш республикани ҳозирнинг ўзидаёқ 90 давлат таниди. Хитой бўлса, Хавфсизлик Кенгашида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, Бангладешнинг БМТга қабул қилинишига қаршилик кўрсатди. Хитойнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари Бангладешда ҳамманинг газабини уйготди.

Совет Иттифоқи аввал бошданоқ бенгал халқининг озодлик ва мустақиллик учун курашини қўллаб-қувватлади. Совет Иттифоқи Бангладешдан анъанавий экспорт товарлари олади ва унинг эҳтиёжига машиналар, станок ва ускуналар етказиб беради.

Бангладеш халқи ривожланиш ва тараққиёт йўлида мустаҳкам турибди. Бу халқ ички ва ташқи душманларнинг ҳийлаю найрангларига қақшатгич зарба беришга қатъий аҳду паймон қилган. Совет кишилари бу йўлда уларга катта муваффақиятлар тиламоқдалар.

В. ВАВИЛОВ,
ТАСС мухбири.
ДАККА—МОСКВА.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА ЁРДАМ

ТОКИО, 15 декабрь. (ТАСС). Япониянинг Кобэ портидан «Кобэ-мару» маркали юк ортган кема жўнаб кетди. Кемада Вьетнам Демократик Республикаси халқи учун мўлжалланган 80 тонна юк бор. Бу юк асосан 77 миллион иенлик медицина асбоб-ускуналаридир. Бу медицина ускуналари Вьетнам халқига кўмаклашувчи япон комитети тўплаган маблағларга сотиб олинган.

400 ЙИЛЛИК ТИМ

СОФИЯ. Шумен шаҳри маҳаллаларидан бирида замонавий бинолар ёнида жуда қалин деворли «Безистена» тими ҳам қад кўтариб турибди. Бу Болгарияда XVI асрдан бери ҳозирги кунларга қадар сақланиб қолган бирдан-бир тим бозордир. Тарихий манбалар бу ерда бундан 400 йил аввал баззозлик, заргарлик расталари бўлганлигидан далолат беради.

ДЕНГИЗГА ТАШЛАНГАН ХАТЛАР

ПАРИЖ. Сўнгги ўн йил мобайнида жаҳон океани сувига турли хатлар солиб печатланган 900 мингтагача шиша идиш ташланди, деб хабар беради Франциянинг «Монд» газетаси. Фалокатга учраган денгизчилар ва саёҳатчилар ташлаган шиша идишлардан ташқари 1963 йилдан бошлаб сувга ташланган махсус берк идишлар океаншунос олимларга жаҳон океани ва унинг оқимларини ўрганишларида ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда хабар беради «денгиз мактуби» операциясида жаҳоннинг 37 мамлакати қатнашмоқда. Олимлар дунёнинг турли районларида сувга шу идишларни ташлайдилар, идишларни топган мамлакатлар эса бу ҳақда хабар берадилар. Масалан, 1967 йилнинг июнида Дакарда (Сенегал) ташланган 50 мингта хатдан бири шу йил сентябрнинг охирида Канадада топиб олинди. Ўша вақтда Остендда (Белгия) денгизга ташланган бошқа бир идиш 1969 йилнинг январида Мурманскдан сал нарида топилган.

АВТОМАШИНАЛАР ЕР ОСТИ ГАРАЖИ

РИМ. Бу шаҳарда икки минг автомашина сигадиган ер ости гаражи ишга туширилди. Гараж Римдаги машҳур ва шаҳар марказидан сал нарида жойлашган Боргезе вилласи парки территориясининг остида қурилди. Шаҳар маъмурларининг фикрича, автомобиллар қўйиладиган шу жойнинг ишга туширилиши Италия пойтахти марказий қисмида автомобиль ҳаракати интенсивлигини бир муҳча камайтиришга имкон беради: пойтахт маркази автомобиллар чиқарган яроқсиз газлардан «нафаси бўғилмоқда».

(ТАСС).

ЛЕНИН МУЗЕЙИДА ФОТОВИСТАВКА

ВАРШАВА. (ТАСС). Краковдаги В. И. Ленин музейида «СССР — қардош халқлар иттифоқи» фотовиставкаси очилди. Фотовиставка Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик юбилейига бағишланган.

Совет Иттифоқи халқларининг иқтисодий ва маданий соҳаларда эришган муваффақиятларини тасвирловчи юздан ортиқ фотосурат виставкага қўйилган. Бу ерда Совет рассомларининг энг янги плакатлари ни ҳам кўриш мумкин.

Виставканинг экспозицияси шаҳарнинг энг йирик корхоналарида, сўнгра Краков воеводлигидаги шаҳарларда намойиш қилинади.

КАМБОДЖА. Мамлакатнинг жанубий қисмида шиддатли жанглар давом этмоқда. Ватанпарвар кучлар ўзларининг муваффақиятли ҳаракатлари билан 2-йўл районида Пномпень қўшинларининг каттагина группировкасини танг аҳволга солиб қўйдилар. Суратда: Камбоджа ватанпарварлари ҳужум қилмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

Реклама ва эълонлар

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ИДОРАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1973 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИГА

РУС ТИЛИДА ҲАФТАЛИК

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛИ ИЛОВА ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Иловада ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, идоралар ва гражданлардан олинган реклама ва эълонлар кенг равишда берилади.

Гражданлардан турар жойларни алмаштириш, шахсий буюмларни (телевизор, радиоприёмник, пианино ва ҳоказолар) сотиб олиш ва сотиш, ҳужжатларнинг йўқолганлиги тўғрисида, стенография ва машина ёзувини ўргатиш, дарс бериш тўғрисидаги ва бошқа шунга ўхшаш эълонлар қабул қилинади.

Буюртмачининг хоҳиши бўйича реклама ва эълонлар безакли бўлиши ва шеър, очерк, корреспонденция шаклида берилиши мумкин.

Справкалар учун адрес: Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг эълонлар бўлими, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 2-қават, 133-135-хоналар (телефон 33-81-42, коммутатор 33-02-49 дан 33-02-58 гача қўшимча 5-07, 7-27).

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион кўғирчоқ театри, 18.30 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида) , 18.50 — Ун минут музика, 19.00 — СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан. АСҚАД МУХТОР. «Чинор» (телевизион спектакль премьераси, 1-қисм), 21.00 — «Ахборот» информацион программаси. 21.15 — Ёш ижрочилар концерти.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 11.30 — 10.синф ўқувчилари учун. Адабиёт. «Маяковский сатираси», 12.00 — Кинофильм, 12.25 — 10-синф ўқувчилари учун. Адабиёт. «Ғафур Ғулом — поэзиямиз отаҳони» (ўзбек тилида), 13.00 — «Ленин ҳақида уч қўшиқ» (телевизион ҳужжатли фильм).

18.05 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. Чорвачилик факультети (ўзбек тилида).

Рус тилида: 22.30 — Спорт программаси. Шахмат, 22.50 — «Совет Латвияси киносанъати» (ҳужжатли фильм), 23.00 — «Эл-чилар фитнаси» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 19.00 — Ўқув программаси. Тарих. 9—10.синф. «Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши». 19.40 — Тошкент янгиликлари (ўзбек ва рус тилларида). 19.50 — «Санъат— халқникидир» (ҳужжатли фильм), 20.20 — Ёшлар фестивали. «Агитбригада саҳнасида», 21.00 — «Ноктюрн» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/XII да Гулсара, 20/XII да Севилья сартароши.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/XII да Тоғ гўзали (билетлар сотилган), 21/XII да Ҳалима (билетлар сотилган).

КИНО

Кўк тарғоқ — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.30 кундуз 12, 4.30 ва кеч 6.20 минутларда).

Булутларни қуч — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда). «МОСКВА» (кундуз соат 1, 3.30, кеч 6 ва 8.30 минутда).

Ҳур қизлар (2 серия) — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 12, 2.30, 3.30, кеч 6, 7.30 ва 9 да), «КЎКЧА» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 12, 3.30 ва 7 да).

Музикачининг синглиси — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Қора фаришталар — «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Тегирмон тўхтаганда — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Оловнинг бўйсундирилиши — «ДРУЖБА» (кундуз соат 2.15, 5 ва кеч 8 да).

Рустами — достон — НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 ва кеч 8 да).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») —орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор— 836495. Редактор ўринбосарлари— 835885, 837916. Масъул секретарь—834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—833786. Партия ҳаётидаги ишлар, Ахборот ва спорт бўлимлари—835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими—837045. Коммутатор — 830249 дан 830259 бўлими — 838142. 834048. Эълонлар ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими—гача.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Б. 1703. ИНДЕКС 64697. Р—02819. XIV